

**Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” акциядорлари диққатига!**  
**Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини**  
**чақириш тўғрисида.**  
**ХАБАРНОМА**  
(масофадан)

Сизни, **2025 йил 31 июль куни соат 10:00** да масофадан туриб электрон овоз бериш хизмати <http://evote.uz> орқали бўлиб ўтадиган АТ “Алоқабанк” акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишига таклиф этамиз.

**Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:**

1. АТ “Алоқабанк” акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
2. АТ “Алоқабанк” Уставига ўзгартириш киритиш.
3. АТ “Алоқабанк”нинг Кузатув кенгаши таркибига ўзгартиришлар киритиш ва кенгашни янги аъзоларини сайлаш.

АТ “Алоқабанк” Кузатув кенгаши йиғилишининг 2025 йил 9 июлдаги қарорига асосан Акциядорларни навбатдан ташқари умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида **ҳабардор қилиш** учун реестрни шакллантириш санаси: **2025 йил 9 июль**. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида **иштирок этиш** ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри тузиладиган сана: **2025 йил 25 июль**.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш **интернет тизими орқали электрон овоз бериш хизматидан (<http://evote.uz>) фойдаланган ҳолда 2025 йил 31 июль** соат 09:00 да бошланиб 10:00 да тўхтатилади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига оид ҳужжатлар ҳамда кун тартибига киритилган масалалар юзасидан тайёрланган маълумотлар билан <http://evote.uz> электрон саҳифаси орқали танишишингиз ёки [info@alogabank.uz](mailto:info@alogabank.uz) электрон манзили орқали сўров юборишингиз мумкин. Маълумот учун телефонлар: 71-232-83-67.